

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

давлат музейи катта илмий ҳодими

Валиева Ҳадияхон.

Ўзбекистон этномусиқашунослигида узоқ йиллар давомида XXI асрда катта ашула, наврўз ва асқия билан бир қаторда ЮНЕСКО нинг номоддий маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган ўзбек мақом санъатининг муаммолари ва маънавий аҳамиятига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўзбек мақоми, уни авайлаб асраш ва ривожлантириш янги типдаги миллий мусиқа маданиятининг вужудга келишига имкон берган моҳир мусиқачи бастакор ва ҳофиз, фольклоршунос олим Юнус Ражабий номи билан узвий боғлиқ.

Академик Воҳид Зоҳидов у ҳақида “Бетакрор қуйлар устини қоплаган асрлар гирдини олиб, уларга сайқал берди, ушбу нодир гавҳарларни авлодлар мулкига айлантириди.” Деб ёзган эди.

XX асрнинг биринчи ярмида юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятга қарамай, Ю.Ражабий машҳур мақом билимдонлари, жумладан унга устозлик қилган Шораҳим Шоумаров билан танишгач, ижрочилик анъаналарини ўзлаштира бошлади. Ю. Ражабий талқинидаги кўплаб халқ қўшиқлари кейинчалик В.Успенский томонидан ёзиб олинган.

1919 йилда Тошкентдаги Туркистон халқ консерваториясида Ю.Ражабий мусиқа назариясидан таълим олади. Унга профессионал бастакорлар, мусиқа назариётчилари, фолкълоршунослар Н.Миронов ва В.Успенский устозлик қилишган. У ўз ижро маҳоратини машҳур ўзбек ҳофизлари Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Хожи Абдулазиз Абдурасолов, Домла Ҳалим Ибодовлардан оширган. Ю.Ражабий ижросидаги халқ қўшиқлари ва мақомларида юқорида зикр этилган устозларнинг айтиш усуллари равшан кўриниб турса-да, аммо унинг хониш ва соз чалиши фақат

сунъий танқид бўлиб қолмасдан анъанани мунтазам ва ижодий ўзлаштириш мақсулидир.

“Юнус Ражабий кенг диапазонли овозга эга ҳофиз бўлиб, унинг” махсус шаклланган ўз ёқимли овози ва айтиш техникаси бўлган. У айтган ҳар бир ашула ёки қўшиқ шеър мазмунини чуқур ҳис қила олганлиги туфайли айниқса, Ҳожа Абдуллазиздан олган Ушшоқ ва Мулла Тўйчи ҳофиздан олган “Баёт” йўлларини эшитувчиларга усталик билан тўғри етказа олиш маҳоратини эгаллаган эди”, -деб тадқиқ қиласи М.Аҳмедов.

Тошкент консерваторияси қошида (1939) композиция бўйича таёйёрлов бўлимида ва Москвадаги (1940) “халқ композиторлари” курсларидағи ўқиш йилларида, Ражабий ўша даврнинг етакчи мусиқашунос ва бастакорлардан сабоқ олиб, мусиқа тарихи, назарияси ва композицияси бўйича ўз билимини мустаҳкамлаб, халқ мусиқаси намуналарини ноталаштиришда малакасини оширади.

1939 йил Тошкентда Е.Романовская ва И.Акбаровлар муаллифлигидаги биринчи йирик “Ўзбек халқ қўшиқлари” тўплами дунё юзини кўрди. Унга Ю.Ражабий томонидан ёзиб олинган 29 чолғу куйлари ва ашулалари киритилди.

1955 йилдан 1959 йилгача бўлган даврда Ю.Ражабий ташаббуси ва шахсан иштирокида “Ўзбек халқ мусиқаси” антологиясининг тўққиз жилди тайёрланган ва нашр этилган. Унга бебаҳо манба, ўзбек мусиқа меросининг чинакам қомуси бўлиб қолган 1000 дан ортиқроқ мусиқа асари киритилганди. Нашр анъанавий мусиқанинг деярли барча жанр ва турларини қамраб олган, шу жумладан болалар қўшиқчилари, чолғу куйлари, халқ қўшиқлари, Фарғона катта ашулалари, чолғу ва вакал мақом асарлари, “Фарғона-Тошкент мақомлари” туркумлари, ўзбек бастакорларининг қўшиқ-ашулалари шунга киради. Улар орасида энг қимматлиларидан ҳисобланувчи “Шошмақом” (“Бухоро мақомлари”) тўлиқ нашрини тилга олиш мумкин, барча намуналар Юнус Ражабий ёзувларидир.

Таниқли наовоийшунос, академик Воҳид Зоҳидов Алишер Навоийни сўз мулкининг султони, шерият султони унинг “Хамса”сини буюк асар деб

таърифлаб, Юнус Ражабий “Ўзбек халқ мусиқаси”антологиясини нашр этиб, XX асрнинг “МусиқавийХамса”сини яратди, мақомларни оммалаштириш, уларни илмий ва амалий жиҳатдан тараққий топишига қўшган ҳиссаси учун “мақом султони” увонига сазовор, деб ёзган эди.

1966 йилдан 1975 йилгача бўлган даврда “Шошмақом”нинг 6 жилди олам юзини кўрди, ундан “Шошмақом”нинг тўлиқ туркумидан ташқари “Фарғона-Тошкент мақомлари” шунингдек, айрим мақомлар асосида яратилган чолғу ва ашула йўллари ҳам ўрин олган.

Анъанавий мусиқанинг кўп асрлик тажрибаси, мусиқий мероснинг жанрларга бойлигини сақлаб қолган ҳолда Юнус Ражабий чинакам мусиқий-бадиий анъаналар асосида замонавий жанрлар ва шаклларга оид асарлар яратишга ҳаракат қилди. У “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Муқанна”,Ю “Қасоскор”, “Қўчқор Турдиев”, “Назира”, “Алишер Навоий Астободда” драмаларига, “Ўғил уйлантириш” мусиқали комедиясига мусиқалар ёзди.

2007 йилда ЮНЕСКО хомийлиги остида қўлёзмалар, нота ёзувлари, шеърий матнлар, ўтмиш йиллар манбалари асос бўлиб хизмат қилган “Мусика меросига бир назар” ва “Юнус Ражабий. Ўзбек мақомлари. Шошмақом” китоблари нашр этилди. Мазкур китоблар асрий тарихга эга мусиқанинг бебаҳо хазинаси ҳисобланиб, бугунги кунда миллий маънавий бойликни ўзлаштиришда ёш машшоқ ва бастакорлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижрочи, ташкилотчи, бастакор, устоз ва фольклорчи Юнус Ражабийнинг серқирра фаолияти ўзбек ўзбек мусиқа санъати тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у қатор Ўзбек мусиқаси назариётчилари ва тарихчиларининг кўплаб китобларида ҳамда мақолаларида кенг ёритиб бермоқда.

2016 йилда “Ражабийнома”тўплам-антологияси нашр этилди, унда Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодининг энг ёрқин саҳифалари, беназир устознинг мақола ва турли хужжатлари ўрин олган.

Бутун ҳаётиниң халқ маънавий меросининг бебаҳо намуналарини тадқиқ этиш, сақлаб қолиш ва ривожлантиришга бағишенгсан санъат арбоблари доимо иззату ҳурматга сазовордирлар, уларниң ҳаёти ва ижодлари эса келажак авлод учун хулқ-атвор ва билим олишда намуна бўлиб қолгусидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қатағонлик Намангандиклар тақдирида. Илмий рисола . Наманганд – 2014.
2. Биринчи раис.”Ибрат” газетаси. 15.04.2020 йил
3. Юрт фидоийси.”Истиқлол” газетаси.15.08.2021 йил